



“Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан туманимизда ҳам эрта тонгдан байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Даставвал туман марказидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига сектор раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бошлиқлари иштирокида гулчамбарлар қўйилди.

Мотамсаро она ҳайкали пойига тумандаги бир қатор ташкилот, корхоналар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам гулчамбарлар қўйиб, марҳумларни ёд



ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

этишди, ҳурмат-эҳтиромларини кўрсатишди.

Мотамсаро она хиёбонида ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Яшил майдонлардаги ўзгача тароват, қўйилган турли суратлар ва безаклар, 13-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан янграган куйлар, туман ХТБга



қарашли мактабларнинг тарих фани ўқитувчилари ҳамда туман маданият маркази томонидан намоиш этилган сахна кўринишлари, ижро қилинган қўшиқлар тадбир мазмунини янада бойитди.

“Ветеран” жангчи фахрий ва ногиронлар туман бўлинимаси аъзолари ҳам байрамни шоду хуррамликда қарши олдилар.

Тантанали маросимда туман ҳокими Шухрат Мусаев иштирок этди.

УЙЧИДА КОМБАЙНЛАР КОРТЕЖИ



сектор раҳбарлари иштирок этдилар.

Жорий йилда туманда 6425 гектар майдонда галла парваришланмоқда. 52364 тонна дон ишлаб чиқарилади. 20129 тонна дон давлатга сотилади. Мақсад 81,5 центнердан ҳосил олиш.

Туманда ўримни қисқа муддатларда ташкил этиш учун 18 та отряд шакллантирилди. 18 та ўрим комбайни мавсумга тахт. Мавсум олдида ўрим комбайнлари техник кўрикдан ўтказилди. Комбайнлардан иборат кортеж туман маркази бўйлаб ҳаракатланди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Анваржон Ҳақимов, туман ҳокими Шухрат Мусаев ҳамда

Дунёни гўзаллик қўтқаради!

Азиз ҳамюртлар, шаҳримиз меҳмонлари, гўзаллик ва гул шайдолари!

Шу йилнинг 22 май куни Наманганда гуллар паради билан бошланиши режалаштирилган 61-халқаро гуллар фестивалига тайёргарлик авжиди. 7 ёшдан 70 ёшгача, қишлоқлардан шаҳаргача анъанавий тадбирга тайёргарлик бошлаб юборилган.

Барчангизни гуллар байрамига таклиф қиламиз.



ТУМАНДА УЙ-ЖОЙГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ИЖАРА ҲУҚУҚИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР БЕРИЛДИ



Рамазон ҳайити байрами арафасида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 737-сонли қарорига асосан 8 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ижтимоий уй-жойлар вақтинчалик яшаш ҳуқуқи билан тақдим этилди.

Улмасхон Мамажонов ҳамда унинг синглиси Нигора Мамажонов 2 нафар фарзанди билан ижтимоий уйда яшай бошлашди. Улар бундай имконият ва эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар.

Маросимда туман ҳокими Шухрат Мусаев қатнашди.

МАҲАЛЛАДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАСКАНИ



Оқтош МФЙ ҳудудида жойлашган Наманган қурилиш институтининг 7-ўқув биносида туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда касб-ҳунарга ўқитиш маскани ташкил этилди.

Маҳалла ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган хатловда мазкур бино фойдаланилмай, бўш турганлиги аниқланган эди. Ҳозирда мазкур бинода тикувчилик, пазандчилик, дастурчи, сартарошлик, электрик ва пайвандчи йўналишлари бўйича ўқув курслари ташкил қилинди. Бунинг натижасида 51 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ўқув курслари 3 ойдан иборат бўлиб, бепул. Касб-ҳунарни тамомлагандан сўнг битирувчиларга йўналишлар бўйича тегишли сертификатлар берилади ҳамда ушбу сертификат орқали субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу ўқув масканда жорий йил якунига қадар 126 нафар фуқарони касбга ўқитиш режалаштирилган.

Азизбек АБДУҒАНИЕВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

ХАЛҚАРО ВЕТЕРИНАРИЯ КУНИ

Ушбу сана муносабати билан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида тадбир бўлиб ўтди. Унда бўлим бошлиғи Валижон Болтабоев, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси Тоҳиржон Исмаиловлар сўзга чиқиб, жамоани байрам билан самимий табриклашди. Бир гуруҳ илғорларга вилоят ҳокимлигининг ташақкурномаси топширилди.



ЭЪТИРОФ

Бир неча йилдирки, туман СЭО ва ЖСБ бошлиғи вазифасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган Абдимуталли Нишонов қутлуғ олтмиш ёшга қарши олдилар.

Туманимиз фаоли, фидойи раҳбар Абдимуталли Нишоновни таваллуд кунлари билан самимий табриклаб, фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.



Қарор ва ижро

ИШЧИ ГУРУҲИ - ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 4 февралдаги “Худудларда янги иш ўрни яратиш ишлари самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида”ги СҚ-478-IV сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик назорати йўлга қўйилган.

2022 йил март ойидан бошлаб ҳар ойда тасдиқланган режа асосида худудларга чиқиб, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини

таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ўрганилмоқда.

Дўстлик, Зиёкор, Мустақиллик, Янгиҳаёт МФЙларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди.

Адиба ҲОЖИМИРЗАЕВА,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

Сана

8 май - Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Ҳаракати 159 йил тўлади. Шу муносабат билан ташкилотимиз аъзолари, фахрийлари ва фаолларига, уларнинг оила аъзоларига, бизга ўз мадад кўлини қўшиб келаётган барча ҳамкорларимизга тинчлик-хотиржамлик, меҳнат фаолиятларида омад ва ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз.

Қодиржон СИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти туман бўлими ижрочи директори.

➤Рамазон ойи меҳр-мурувват ойи ҳамдир. Бир-бирига кўмак бериш, ҳолидан хабар олиш халқимизга хос улғу фазилат. Тумандаги мавжуд 56 та маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 120 нафар эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга 7 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совғалар бегараз тарқатилди.

Ушбу ташаббус туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ҳамда ҳомийлар кўмагида ҳоким ёрдамчилари бошчилигида эҳтиёжманд хонадонларга етказилди.

Инсон қадрини улуғланаётган мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби эзгу ташаббуслар яна давом этади.

➤Боғ МФИда истиқомат қилувчи, бир неча йиллар ички ишлар тизимида фаолият кўрсатган Алимжон Толибжанов қандли диабет касаллигига чалиниб, беш йилдан буён дард чекади. Беш марта жарроҳлик амалиётини ўтказди. Ҳозирда икки нафар фарзандни тарбияламоқда. Турмуш ўртоғининг тикувчиликдан хабари бор. Аммо ишлаш учун имконияти йўқ эди.

Туман ҳокими Шухрат Мусаев, туман ҳокимининг ўринбосари Абдор Собиров Рамазон кунларида ушбу хонадонга ташриф буюришди. Алимжонга ногиронлик аравачаси, унинг турмуш ўртоғига тикув машинасини топширишди. Энди турмуш ўртоғи уйда туриб ҳам даромад топиш имконига эга бўлди.

Кўрсатилган эътибордан мамнун бўлган Алимжон узоқ дуо қилди.

МЕҲР КАРВОНИ



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



50 миллион сўм мукофот пуллари топширилди. Туман ХТБ мудирини М.Мўминов ғолиб бўлган мактаб раҳбарияти, фан ўқитувчилари ва 5 нафардан иборат 7, 8, 9-синфлар ўқувчиларини табриклаб, уларга пул мукофотлари, эсдалик совғалари, фахрий ёрликларни тақдим қилди.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

“Ижодий-маданий масалалар бўйича энг фаол тарғиботчи” Республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унинг якунига кўра, 26-мактабнинг тарғиботчиси Шокиржон Бойхонов ғолиб деб топилиб, Республика босқичига йўлланмани кўлга киритди. Ғолиб 1-даражали диплом, қимматбаҳо совғалар, бир миллион сўмлик пул мукофоти, беш миллион сўмлик китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Шунингдек, 36-мактабнинг тарғиботчиси, ижодкор Машхура Аҳмаджонова ҳам махсус сертификат, эсдалик совғаси ва китоблар жамланмаси топширилди.



Улғубек МАҲКАМОВ,
туман Кенгаши депутати.

ҚАБРИСТОНДА ҲАШАР



қабристонда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.

Туман нуронийлар кенгаши аъзоси Лутфиддин Мирзаев хайрли ташаббус бошида туриб, барча фаолларни бир мақсад сари йўналтирмоқда.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси Тоҳиржон Исматиллаев Кесканёр қабристонда бўлиб, ҳашарда қатнашаётганларга миннатдорчилик билдирди.

ЖЎРАБЕКНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон-Корея Халқаро университети ҳамда Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган “KIUF Olimpiadas”нинг ҳал қилувчи вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туманимиздан 10-мактаб ўқувчиси Жўрабек Аҳмадалиев ҳам иштирок этиб, 3-ўринни кўлга киритди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллаган 6-мактаб жамоасига 100 миллион сўм, 2-ўринни эгаллаган 40-мактаб жамоасига 75 миллион сўм, 3-ўринни эгаллаган 33-мактаб жамоасига

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ТУМАНИМИЗ МАКТАБЛАРИДА

Президентимиз бошчилигида барча ислохотлар “Инсон қадрини улуғлаш” тамойили асосида олиб борилаётгани ҳаммамизга аён. Бугунги кунда барча вазирлик, ҳокимлар ва ташкилот раҳбарлари келажагимиз авлодларини илмли, доно бўлиб ўсишлари борасида юксак ишларни олиб бормоқдалар.

Халқ таълими соҳасида ҳам “мактаббай” ўрганилиб, ечими ҳал этилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги мутаассаддилари 7-, 22-мактабларда бўлишди. Мактаб жамоаси ва ўқувчилар билан учрашиб, муаммолар ўрганилди.

Ўрганилган мактабларни 2023 йилда Инвестиция дастури асосида мукаммал таъмирлаш, ўқувчиларнинг ўсиши ҳисобига қўшимча бино қуришга келишиб олинди.

22-мактабга 2 та компьютер синфи, 7-мактабга телевизор ва видеодарсликлар жамланмаси совға қилинди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ПАРТИЯ САФИДА



Бугун ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг биринчи галдаги вазифаси аҳоли орасига кириб бориш, тадбиркорликни ривожлантириш, муаммоларни ўрганиш ва унга ечим топиш, ишсизликни бартараф этишдир. Худудларда фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари маҳалла аҳлининг дўстига, ҳамфикр елкадошига айланиб бормоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеПнинг дастурий мақсадларида аини шу вазифалар асосий мақсад қилиб олинган. Инсон қадрини улуғлаш амалга оширилаётган бугунги ислохотларда ҳоким ёрдамчиларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Туманимиздаги 56 та маҳалла фуқаролар йиғинида соҳада катта таъриба эга бўлган ҳоким ёрдамчилари фаолият олиб бормоқда. Уларни ЎзЛиДеП дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг иш олиб боришларига

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

2022 йил - “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериш энг муҳим вазифа этиб белгилангани ҳам бежиз эмас. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, натижада маҳаллани жамиятнинг ҳал қилувчи бўлишига айлантириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамова ўз сайлов округида бўлиб, хонадонбай ўрганишларда бўлди, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Рамазон ҳайити муносабати билан бемор, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг муурожаатларини тинглади.

Хуррият МФИда яшовчи Назира Дадамирзаеванинг уй-жой қурилиши, Шифокор МФИда яшовчи Гуломжон Эшоҳўжаев қандли диабет касаллигига чалингани ва даволаниши учун шифохонага йўлланма сўраб, Обод МФИда истиқомат қилувчи Маъмура Жўраеванинг бир нафар ногирон фарзандини даволатиш масаласидаги муурожаати назоратга олинди. Навойи, Янгичек, Обод МФИларида яшовчи ногиронлиги бор Насиба Абдусатторова, Дилфуза Халилова, Матлуба Муҳаммадалиевалар байрам совғаларидан мамнун бўлишди. Шунингдек, ўрта хонадонга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совға топширилиб, уларнинг қувончига шерик бўлинди.

Депутат Хуррият МФИда жойлашган “Ёрқин келажак” номли 1-сонли оилавий болалар уйини ҳам ўз оталигига олган. У ҳар галги ташрифидида мазкур хонадонга келиб, болалар билан суҳбатлашади. Болалар уйи тарбияланувчилари учун муносиб шарт-шароитлар яратилиши ҳамда уларнинг дам олишлари, таътил вақтида саёҳатлари учун бегараз кўмак беради. Бу сафарги ташрифидида ҳам у ўз совғаларини тақдим этди.

Депутатга туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи С.Аҳмадалиева ҳамроҳлик қилди.

Мухторжон МЎЙДИНОВ,
туман Кенгаши депутати.

ҲАР БИР СОҲА ВАКИЛИ - ЭЪТИБОРДА

Пилла деҳқончиликнинг ҳандалаги ҳисобланади. Жорий йилда туманимиз пиллакорлари 3349 қути ипақ курти парваришлаб, 190 минг тоннадан ортиқ ҳосил олишни режалаштиришган. Аини вақтда 159 та фермер хўжалиғи томонидан 2449 та хонадонда ҳамда 700 таси касаначилик асосида парвариш қилинмоқда.

Тумандаги сайловчилар билан учрашувим жараёнида пиллакорлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдим, муурожаатларини тинглаб, тегишли тартибда назоратга олдим. Туну кун ҳаловат билмай меҳнат қилаётган пиллакорларнинг Рамазон кунларидаги меҳнатларини қадрлаб, эсдалик совғалари топширдим.

Инсон қадрини улуғланаётган юртимизда ҳар бир соҳа вакили эътибордан четда қолмайди.

Барно МИРЗАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Адиба ҲОЖИМИРЗАЕВА,
ЎзЛиДеП туман кенгаши аппарат раҳбари, туман Кенгаши депутати.

ОБОДЛИК КЎНГИДАН БОШЛАНАДИ

бўлиб, ҳамжиҳатликда иш ташкил этдилар.

Шу кун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча тураржой мавзелари, маҳаллаларда ўтказилган манзарали ва мевали дарахтлар оқланиб, киши кўрса ҳавас қиладиган даражага келтирилди.

Туманимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Аъзамжон МЎЙДИНОВ,
туман Кенгаши депутати.

ОИЛАВИЙ АЖРИМ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Асосий Қонунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотинлар ва улар фарзандларининг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилган.

Ёш оилаларнинг ва вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинларнинг никоҳларини мустаҳкамлашга ва уларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш масаласида судларнинг зиммасига алоҳида масъулият юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси талабига асосан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун Оила кодексининг 40-моддасида курсатилган доирада, яъни олти ойгача бўлган муҳлат белгилашга ҳақли.

Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадига ажрим нусхаларини улар яшайдиган ҳудуддаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига, маҳалла фуқаролар йиғинига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши лозим.

Ишнинг қурилишини бошқа вақтга қолдирилаётган муҳлат эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини ва уларнинг яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Оилани сақлаш манфаатида суд иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган, олти ойгача бўлган муҳлатни белгилашга ҳақли.

Афсуски, жамиятимизда қонунсиз никоҳ асосида турмуш қурган хотин-қизларнинг оиладаги ҳуқуқлари бирмунча чекланганлиги ҳозирда сир эмас. Бундай ҳолатларда хотин-қизлар фарзандларига туғилганлик гувоҳномаларини олиш, уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турмуш уртоғининг мулкидан мерос олиш масалаларида бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Шунга кўра, хотин-қизлар турмуш қуриш масаласида никоҳни қонуний расмийлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, турмуш қуриш истагини билдирган йигит ва қизларимизга қонуний никоҳни расмийлаштириш жараёнида никоҳ шартномасини тузишларини маслаҳат берамиз.

Чунки никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси, деб ҳисобланади.

Мазкур шартномани тузиш орқали эр-хотин ўзининг мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайди. Никоҳ шартномасининг тузилиши никоҳ туғатилгандан кейин ҳам собиқ эр-хотинлар ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солишда муҳимдир. Яъни, шартномада мулкий муносабатларга оид қоидаларнинг батафсил акс эттирилиши кейинчалик юзага келадиган мулк билан боғлиқ низолар, келишмовчиликларни судгача, тинч йўл билан ҳал этиш имкониятини яратиб, судлашиб юришнинг олди олинади.

Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган судлар, ИИБ, адлия бошқармаси ҳамда маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, бошқа ман-фаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда қабул қилинган «Вилоятда оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга қара-тилган қўшма қарор», вилоят суди, вилоят Ёшлар ишлари агентлиги, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунсиз (шаръий) никоҳларнинг олдини олиш борасидаги ишларимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоят суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилларга асосланган ҳолда ҳамда Наманган вилояти, туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ва МФЙ фаолларни билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

Б.КАСИМОВ,
ВИЛОЯТ СУДИНИНГ СУДЬЯСИ.

САБАБСИЗ ҚАРЗДОРЛИККА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Ўтилишича, фуқаро яшаш хонадонига 2021 йилнинг июнь ойида туман газ таъминоти корхонаси томонидан газ ҳисоблагичларни “ақлли” газ ҳисоблагичларга алмаштирилган. Орадан 3-4 кун ўтиб, фуқаронинг қўл телефонига 333395 сўм табиий газдан бўлган қарздорлиги ҳақида СМС хабарномаси келади. Фуқаро С.Б. туман газ корхонаси ходими И.С.га мурожаат қилган, газ ходими фуқарога ҳеч қандай қарздорлик йўқлигини айтиб, бу иш билан ваколатли ходим А.Р.га учрашини айтади. Фуқаро бир неча кун сарсон бўлгач, ушбу мурожаати юзасидан бизга мурожаат қолдирган. С.Б.нинг мурожаатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни асосида, белгиланган тартибда ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганилиб, мурожаатда келтириб ўтилган 333395 сўм миқдордаги табиий газдан бўлган қарздорлик фуқаро С.Б.нинг фойдасига ижобий ҳал этилди.

Хуршида ҲАКИМОВА,
туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижро этувчи аппарати ходими.

2023 ЙИЛДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБЛАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 710-сонли қарорига мувофиқ, 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари аҳолини рўйхатга олиш белгилаб ўтилган.

Унга пухта тайёргарлик қуриш мақсадига қонун ишлаб чиқилди. Ушбу қонунда аҳолини рўйхатга олиш тартиблари белгиланган бўлиб, жумладан:

–Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишда респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари - ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш;

–ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, руйхатга олиш варақларига қиритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини аниқлаштириш;

–руйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад

этилган тақдирда эса рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик;

–рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу тадбир орқали энг аввало, мамлакати-мизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари учун муҳим маълумотлар тайёр-лананиб, жумладан;

–аҳолининг аниқ сони;

–ёшга доир маълумотларга асосан, 3-7 ёшгача бўлган болаларимизни боғчаларга жалб қилишимиз, улар учун етарли шароитга эга бўлган, ўзларига яқин ҳудудларга боғчалар қуриш учун аниқ маълумотлар шакллантириш;

–аҳоли бандлиги маълумотларига асосан эса фуқароларимизнинг иш билан таъминлаш учун корхоналар, кичик саноат зоналари ташкил этиш, уларга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, миграция

Кўпчиликка маълумки, бундан 4 йил аввал адлия органлари фаолияти янги босқичга кўтарилди. Яъни 2018 йил 13 апрель куни Президентнинг ПФ-5415-сонли Фармони қабул қилинди ва ушбу Фармон билан адлия органларининг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Адлия бўлимлари фаолиятидан асосий мақсад - ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги, бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари, бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишига эришишдан иборат эди.

Бу эса ҳамюртларимизнинг вилоятлар марказига юзлаб қақирим йўл босиб ўтирмай, уларнинг ҳуқуқий муаммоларини ортиқча оворагарчиликсиз ҳал этишга имкон берди.

Шу ўтган 4 йил давомида адлия бўлимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш, юридик ва ҳуқуқий хизматни тартибга солиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишнинг яхлит тизимини жорий этишда ўз ўрнига эга бўлди, дейиш мумкин.

Буни биргина Уйчи туман адлия бўлими мисолида талқин қиладиган бўлсак, бўлим ташкил этилгандан бошлаб, ўтган 4 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, адлия бўлимлари томонидан 2018-2022 йиллар давомида:

–фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб судларга 174 та даъво аризалари киритилди;

–давлат органлари ва ташкилотларига 240 та тақдимнома киритилди;

–давлат органлари ва ташкилотларида 164 та назорат тадбирлари ўтказилди;

–қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 241 та таклифлар берилди.

Шунингдек, ташкил этилган йилдан бери бўлим томонидан фуқаролар ва тадбиркорларнинг 915 та мурожаати ҳал қилинди.

ЯНГИ АДАБИЁТЛАР

”ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ” Акмал САИДОВ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрда қабул қилган “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимиз пойтахти - Тошкентда янги тарихий маълумотлар ва ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида “Матонат мадҳияси”, “Мангу жасорат”, “Кўз ёши” монументлари ҳамда “Шон-шараф” давлат музейини ўзида қамраган мухташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди.

Ҳурматли китобхон, қўлингиздаги китоб сизга Миллат сардори ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бўйлаб виртуал, яъни ғойибона сайр этиш имконини беради. Мутлоаа қилар экансиз, боғнинг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги муҳим фикр ва мушоҳадалар билан танишасиз. Тарихий далиллар, ишончли рақамлар ва қизиқарли фотолавҳалар сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” китоб-альбом. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу китобда истиқлол йилларида, айниқса, кейинги беш йилда юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида амалга оширилган ва оширилаётган улкан ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу китоб-альбомдан ўрин олган факт ва маълумотлар, сурат ва тасвирлар бунёдкор халқимизнинг куч-ғайрати ва салоҳияти билан эришилган юксак марралар ҳақида муҳтарам китобхонларда ёрқин таассуротлар уйғотади.

Китоб-альбом Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган.

“ТУРКМАНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИ” Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ. Инсоният тарихини улкан кўзуга менгзайди, тарихий воқеа-ҳодисалар, айниқса, ўтган ота-боболарнинг тажрибаларидан ибрат олинади.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг ушбу асарида туркман миллий удумлари, қадимдан яшаб келаётган урф-одатлари, давлатчиликка доир қонун-қоидалар ва анъаналар тўғрисида фикр юритилади. Китобда муаллиф фикрларини халқ ҳикматлари, шунингдек, шарқ халқлари ва туркман халқ оғзак ижоди орқали асрлардан - асрларга ўтиб, яшаб келаётган ибратли ҳикоят ва ривоятлар билан бирга баён қилинади. Бунда туркман халқининг маънавий дунёсига мансуб жуда кўп тарихий ва ҳаётий мисоллар келтирилган.

Китобни ўқир экансиз, ота-боболаримиз ва машҳур тарихий шахсларнинг туркман халқига қолдирган доно панд-насихатлари асрлар бўйи яшаб келаётганининг гувоҳи бўласиз.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

М.ОРИПОВА,
Г.НАСРИДДИНОВА,

туман АКМ фондларни сақлаш, шакллантириш ва уларга техник ишлов бериш бўлими мутахассислари.

АДЛИЯ БЎЛИМИ ТЎРТ ЁШДА

Бўлим томонидан 2018 йилдан бери давлат органлари ва ташкилотларига киритилган тақдим-номалар асосида фуқаролар ва тадбиркорларнинг қарийб 806998000 сум маблағлари қайтарилган ёки тўлаб берилган.

2019-2021 йиллар давомида фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлаш мақсадида судларга киритилган даъво аризаларининг 100 фоизи қаноатланти-рилган.

Ҳал этилган масалаларнинг кўпчилигини меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун нормаларига амал қилиниши, ер-мулк соҳасидаги муаммолар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик бўлаётган турли ҳолатлар ташкил қилади.

Бундан ташқари, адлия бўлимлари аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам ўз урни ва йўналишига эга бўлиб бормоқда.

Бу йилги энг асосий янгилик, Президентимиз-нинг 2022 йил 17 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муасса-салари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармони билан туман (шаҳар) адлия органлари тизими ихчамлаштирилди.

Фармонга кўра, тумандаги давлат хизматлари марказлари, ФХДЕ органлари ва юридик хизмат кўрсатиш марказлари туман адлия бўлимлари билан бирлаштирилиб, битта бинода фаолият юри-тувчи ягона адлия бўлимларига айлантирилади.

Адлия бўлимлари келгусида ҳам ўз олдиларига қўйилган вазифаларни масъулият билан бажариш орқали юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишда давом этади.

Баҳодир ҚОДИРОВ,
туман адлия бўлимининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлимаси бош маслаҳатчиси.

Мактабимизда “Шеърят дурдо-налари” тўғраак аъзолари бир-галикда халимиз қалбидан жой олган шоир Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд аёми муносабати билан Андижонга саёҳат уюштирдик. Аввалига Муҳаммад Юсуфнинг

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ...

ижод мактабига ташриб буюрдик. Мактаб музейидаги Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир буюми бизда катта қизиқиш уйғотди. Шоирнинг туғилиб-ўсган қишлоғига ҳам бордик. Мактаб музейидаги шоир-нинг кийимлари, қўлёзмалари, қолғу асбоблари ва бошқа буюмлар бизда катта таассурот қолдирди. Сўнгра Муҳаммад Юсуфнинг қабрини зиёрат қилдик. Шоирнинг қабридан лолақизгалдоқлар чиқибди. Улар ўзларини севиб қулаган шоирнинг қабридан бош кўтарганига гоҳида хурсанд бўлиб, гоҳи шундай шоир энди йўқлиги учун бошини эгиб, ғамга ботгандек туюларди. Албатта, бундай шоирни халқимиз қалбидан, ёдидан ҳеч қачон чиқармайди.

Сабина АБДУЛАЗИЗОВА,
26-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

БЕЭЪТИБОРЛИК ИНСОН УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида инсон саломатлигига путур етиши, ҳаттоки ўлим билан якун топиши ҳолатларининг кўплиги бутун бир жамиятимизни ташвишга солиб келмоқда.

Ана шундай кўнгилсизликлардан бири Наманган - Янгиқўрган автйўлида содир бўлди. Фуқаро Т.М. “ВАЗ-2106” русумли автоуловни бошқариб бориш пайтида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмай, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмади. Оқибатда йўлни кесиб ўтаётган Ш.В.ни уриб юборди. Олинган тан жароҳати сабаб Ш.В. вафот этди.

Ушбу жиноий иш жиноят ишлари бўйича туман судида кўриб чиқилди. Айбланувчи Т.М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишги моддаларига асосан жазага тортилди.

Д.НАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича туман судининг судья ёрдамчиси,
НАҲМЕДОВ,
девонхона мудир.

УЙЧИНИНГ ҚАҲРАМОН АЁЛИ

Уйчи қишлоғида 1928 йилда оддий деҳқон оиласида туғилиб ўсган Шарофатхон Дадабоевнинг болалик йиллари оғир, очарчилик йилларига, ёшлиги уруш даврига тўғри келганлиги боис оғир дала меҳнатига эрта киришди. Тумандаги 1-мактабни 1943 йилда 7-синфини тамомлаган, 1971 йилда 23-мактабнинг кечки синфиди ўқиб, ўрта маълумот олган.

1945 йилдан солиқ «Ленинчи йўл», кейинги вақтда «Зарбдор» деб аталган хўжаликда аъзо бўлиб меҳнат фаолиятини бошлаган. 1954-60 йилларда пилла бригадири ва агроном бўлиб ишлаган. 1963 йилдан бошлаб умрининг охирига қадар пахтачилик



бригадасини моҳирона бошқарган. Пахта тайёрлаш режасини 129 фоизга етказиб бажарган. Хосилдорликни 60 центнергача етказган.

Шарофатхон Дадабоева 1963 йилда Ўзбекистон Олий Совети депутаты, 1969 йилда Наманган вилоят Кенгаши, кейинчалик Уйчи қишлоқ кенгаши депутати

бўлган. Ўзбекистон компартиясининг съездларида уч марта делегат бўлиб иштирок этган.

Унинг камтарона меҳнатлари муносиб тақдирланган. У икки марта Ленин ордени, «Октябрь революцияси», «Меҳнат қизил байроқ» орденлари, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Шавкатли меҳнати учун» каби медаллар, 1981 йилда эса «Социалистик меҳнат қаҳрамони» унвони билан мукофотланган.

Турмуш ўртоғи Ортиқбой Ҳожиёв билан бир нафар фарзанд - Маҳмуджонни камолга етказган. Гулбоғ маҳалласи Амир Темури кўчаси 24-хонадонда яшаган Шарофатхон Дадабоевнинг ягона сулоласи Маҳмуджон Ҳожиёв умр йўлдоши Роҳатхон опа билан икки қиз, бир ўғилни тарбиялашди. Аини вақтда улар саккиз нафар набиранинг бобоси ва бувижониси.

Элик саккиз йил ҳаёт кечирган Шарофатхон Дадабоева очиқкўнгил, самимий, меҳнаткаш ва ғамхўр раҳбар сифатида уйчиликлар қалбидан муносиб жой олган. Вафотида ўттиз олти йил бўлса-да, ҳамон унинг номи хурмат-эҳтиром билан тилга олинади.

Муҳаммадали ҚАМБАРОВ.

ЖАСОРАТИ МАНГУ



Неча-неча мард ва жасур ота-боболаримиз Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мардондор курашдилар. Улардан бири уйчилик Абдуллажон Толибжоновдир.

Унинг Москва остонасида 1941 йилнинг 7 ноябридаги парадда иштирокидан бошланган шинелли йиллари то Берлингача давом этди. 1-Украина фронтда мамлакатимизни озод қилиш, кейинчалик ярим Европани душмандан тозалашда кўрсатган жасоратлари унинг кўксини қўша-қўша ордан-медалларга тўлдирди. Днепр дарёси бўйидаги жанглардаги қаҳрамонлиги туфайли Иосиф Сталиннинг «Ташаккурнома»си билан тақдирланган. Шахсан маршал Г.Жуков ва генерал С.Рахимов билан қўл олишиб, кўмондонликнинг ёрлиги билан мукофотланган. «Улмас Абдулла» учун уруш Берлинда ниҳояланмади. Ғалабадан сўнг кўнгиллилар қаторида узоқ Шарққа жўнади. Чунки Ватан хавф-хатардан тўла ҳоли бўлмаганди. Япон армиясига қарши уруш ҳали якунланмаган эди. «Улмас Абдулла» чинданам 5 йил ажалга чап бериб, жонжапон Уйчига 1946 йили соғ-омон қайтди. У қолган умри, куч-ғайратини халқ хўжалигига сафарбар этди. Тожихон ая билан аҳил турмуш қуриб, 4 ўғил, 6 қизни вояга етказди. Уларнинг барчасини олий маълумотли қилди.

Тожихон ая қаҳрамон она. Фарзандлари Рустамжон, Равшанбек, Раънохон, Раҳимхон, Аломатхонлар бевақт ҳаётдан кўз юмишди. Расулжон ака ички ишлар тизимидан нафақага чиққан. Набиралари Зафаржон ички ишлар тизимида, қолганлари ҳам турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Абдуллажон отанинг ибратли ҳаёт йўлидан ҳикоя қилувчи барча ҳужжатлар унинг кенжа фарзанди, бугун хонадон чирогини ёқиб ўтирган Олимжон аканинг бисотида кўз қорачиғидай асраб келинмоқда. Яхши инсонларнинг хотираси абадий, уларни асло унутмаймиз.

Умида ҚОДИРОВА,
туман давлат архиви етакчи архивчиси,
Севара БОЙМАТОВА,
архивчи.

"ХОТИРА - МУҚАДДАС,
ҚАДР - АЗИЗ"

Туман Маънавият ва маърифат кенгаши, туман халқ таълими бўлими, туман маданият бўлими ҳамкорлигида 9 май - «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан театрлаштирилган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда халқ таълими бўлимининг ижтимоий фанлар методик бирлашмаси ўқитувчилари ҳамда иқтидорли ёшлар томонидан турли тарихий сахна кўринишлари, ватан, озодлик, ота-онани мадҳ этувчи шеърлар ўқилди. «Шуҳрат» медалли соҳиби К.Неъматов томонидан инсонни улуғловчи қўшиқлар қуйланди.

Тадбирга Нурунийлар кенгаши маслаҳат гуруҳи аъзолари ҳам таклиф этилди. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси Т.Исмаилов сўзга чиқиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Яқунда туман ҳокимининг ўринбосари А.Собиров, РММ туман бўлинмаси раҳбари Э.Юнусовлар урушда ҳалок бўлганларни хотирлаб, уларнинг жасорати ва меҳнатларини эътироф этдилар. Туманда маънавият ва маърифатнинг юксалишига ҳисса қўшаётган бир қатор фаоллар бўлинманинг ташаккурномаси билан тақдирланди.



"ШАРАФ ЛЕНТАЛАРИ"

Республикамиз бўйлаб «9 май - Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Шараф ленталари» тақш акцияси давом этмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигида тинчликнинг қадрига етиш мақсадида «Хотира - абадий, Қадр - муқаддас» шиори остида «Юксалиш» савдо комплексида акция ўтказилди. Ушбу акцияда туман сардорлари ҳам фаол иштирок этдилар.

ФАОЛИЯТЛАРИДАН МАМНУНМИЗ

Туманимизда фаолият олиб бораётган «Ветеран» жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси бўлинмаси байналминалчи жангчилар ва уларнинг оила аъзоларига хурмат-эътибор кўрсатиб келмоқда. Менинг турмуш ўртоғим Ёдгоржон Барноев ҳам жанггоҳларда қон кечган. Спорт бўйича мураббий бўлиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Афсус, умрлари қисқа экан. Бўлинма

раиси, тиниб-тинчимас фидойи Абдурахим Обидов доимо оиламиздан хабар олиб, кўнглимизни кўтариб, йўқлаб турадилар. Кўплаб байналминалчи жангчиларнинг оила аъзолари ҳам уларнинг фаолиятидан мамнун. Мен уларга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Ойдина БАРНОЕВА.

ЖИЙДАКАПАЛИК
АКАДЕМИК

* Уйчини улуғлаётганлар



Жийдакапа қишлоғида туғилиб ўсган олим агроном, фахрий академик Нормирза Раҳматов қишлоқ хўжалиги фидойиларидан. Етмиш бешинчи баҳорни қаршилаган Нормирза ҳожи ота ҳамон изланишда. Академикнинг қишлоқ хўжалигида олиб борган илмий тадқиқот ва адабий-бадий асарлари жамланмаси мавжуд. Булар 1 та энциклопедия, 3 та олий таълим учун дарслик, 4 та монография, 3 та дарслик гувоҳномалари, 44 та илмий ва адабий мақолалар, 9 та бадий ва адабий асарлардан иборат.

Яқинда 2-мактабда Нормирза Раҳматовнинг ижодий фаолиятига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар Нормирза Раҳматовнинг илмий изланишлари самараси ўлароқ яратилган адабий бадий асарлари, қўлланма ва тавсиялари кўп йиллар соҳа ривожига, маънавият ва маърифатнинг юксалишига ҳисса қўшаётгани билдирдилар.

Абдулҳофиз СОБИТОВ,
туман Кенгаши депутати.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР



Бўлимимиз томонидан туман бўйича 123 нафар кекса пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахс туман ҳокимининг қарорига асосан ёлғизлар рўйхатига олинган бўлиб, уларга бўлим томонидан 13 нафар ижтимоий ходима бириктирилган. Бу ходималар ёлғиз кексаларнинг хонадонларига бориб, хизмат кўрсатишмоқда. Улардан бири Деҳқонобод МФИда яшовчи биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Муқаддас Бегматовадир. Ижтимоий ходима Зухраҳон Сайфиддинова унга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳар байрамда ҳомийлар томонидан моддий ва маънавий ёрдам берилиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун бўлим томонидан сихатгоҳга йўлланма ажратилади. Муқаддас бу кўрсатилаётган ёрдамлар учун бўлим раҳбариятига, мутахассис Б.Йўлдошев, ижтимоий ходима З.Сайфиддиноваларга миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, Рамазон байрами муносабати билан Бўёғон, Мирзаравот МФИларида яшовчи биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Алибек Мадрохимов, Минавархон Садриддинова, Гулистон, Шифокор МФИларда истикомат қилувчи ёшга доир пенсионерлар Ҳамидулло Ходжаев, Зулфияхон Мирзаеваларга сектор вакиллари билан биргаликда ногиронлар аравачаси топширилди.

Маҳаммаджон ҲАЙДАРОВ,
туман тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

БИЛДИРУВЛАР

Гулзор МФИда яшовчи Машраббаев Комилжон Баҳромбоевичга тегишли «Дамас» русумли, 50 F 104 ВА давлат рақам белгилли автомобилнинг техник паспорти йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Файзиобод МФИда яшовчи Отавалиев Ривожиддин номига Наманган вилояти ИИБ томонидан 2005 йилда берилган пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Уйчи қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежи томонидан Камалов Достонбек Шуҳратжон ўғли номига ер усти транспорти ва улардан фойдаланиш йўналиши бўйича 2018 йилда берилган К 5066768 рақамли диплом йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

38-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Дедаходжаева (Раҳимова) Халимаҳон (Халима) Ёқубжон қизи номига 2006 йилда берилган U 1980575 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Муассис:
Уйчи туман
ҳокимлиги

Мухаррир: Муҳаммадали ҚАМБАРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

160802. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи шаҳарчаси, Боғ МФИ, «Навбахор» кўчаси 1-уй.
Хатлар ва эълолар бўлими телефон рақами: 69-48-21-275.
Нашр кўрсаткичи 5030

Газета Наманган вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 08-0015 рақам билан 2006 йил 30 декабрда рўйхатга олинган.

Газета «Пентиум - 4» компютерида тайёрланиб, бир ойда икки марта, А-3 қоғоз бичимида, бир босма табоқ ҳажмда чоп этилади. Босмаҳона топшириш вақти — 15.00. Топширилди-14.00. ISSN 2010-6025. Баҳоли келишилган нарҳда.

Газета «Заковат нашриёт уйи» МЧЖда таҳририятнинг оригинал макети асосида чоп этилди. А-1602. Манзил: Косонсой шаҳри, «Чорбоғ» кўчаси, 17-уй. Буюртма № _____